

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.54(51)

АЪЗАМ САРДОР ЭРКИН ЎҒЛИ

**ХИТОЙ ЭКСПОРТ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

08.00.09 – “Жаҳон иқтисодиёти ва
халқаро иқтисодий муносабатлар”

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2010

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Тўхлиев Нурислон Тўхлиевич

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Исаджанов Абдували Абдурахимович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Ахмедов Омонуллохон Мидҳадович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
академияси

Ҳимоя Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.15.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “___” _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй.
Тел.: 267-05-89.

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Афтореферат 2010 йил “___” _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди

Хусаинов Ш.А.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Глобаллашув жараёнининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига таъсири тобора ортиб бораётган бугунги шароитда ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг манфаатли йўналишларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ташқи савдо сиёсатининг ўрни бирламчи бўлиб, мамлакатдаги ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда унинг стратегиясини такомиллаштириб бориш асосий вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.”¹ Мамлакат ташқи савдо сиёсати стратегиясини такомиллаштириш нақадар муҳим масала экани бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўз исботини топмоқда. Шундай экан, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимида муносиб ўрин эгаллаши, глобаллашув жараёнидан имкон қадар кўп манфаат кўриши, қолаверса, халқаро миқёсда кузатилаётган турли иқтисодий-сиёсий хавф-хатарлар таъсиридан йироқ бўлиши учун мамлакатимиз ташқи савдо сиёсати стратегиясини мукаммаллаштириб бориш давр талабига айланмоқда.

Табиийки, бу борада экспорт сиёсати стратегияси катта аҳамиятга эга бўлиб, экспортга йўналтирилган иқтисодиёт асосларини шакллантириш жараёнида хорижий мамлакатларнинг ўзига хос тажрибасини ўрганиш, ундаги мамлакатимиз шароитига мос келадиган ижобий жиҳатларни танлаб олиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур жабҳада сўнгги ўттиз йилдан бери улкан муваффақиятларга эришиб келаётган мамлакатлардан бири Хитойдир. Ушбу мамлакатда ташқи савдо сиёсатини самарали юритиш борасида катта илмий-амалий тажриба тўпланган. Агар 1978 йилда Хитой экспорт ҳажми бўйича дунё миқёсида 32-ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йилга келиб, у энг йирик экспортчи мамлакатга айланди. Демак, экспорт жабҳасидаги Хитой тажрибасини мукаммал ўрганиш, унинг ривожланиш манбаларини чуқур тадқиқ қилиш, экспортдаги ўзига хос жиҳатлар ва кузатилаётган янги тамойилларни аниқлаш ҳамда ушбу мамлакат ижобий тажрибаси асосида Ўзбекистон экспорт сиёсатини такомиллаштириш, бу борада тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 11-бет.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хитойдаги иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, экспорт борасидаги ислохотлар кўплаб хориж олимлари – Ф.Бергштейн, М.Голдштейн, Дж.Джилбой, Р.Купман, Н.Ларди, К.Набешима, Д.Родрик, П.Скотт, М.Эмити, Ш.Юсуф ва бошқаларнинг² тадқиқотларидан кенг ўрин олган.

МДХ хитойшунос тадқиқотчиларидан эса Я.Бергер, В.Гельбрас, В.Михеев, Л.Никифорова, Л.Новоселова, А.Островский, А.Каукенов, В.Портяков, М.Потапов, Г.Смаилова, М.Титаренко, В.Фроленков, З.Чуланова ва бошқаларни³ кўрсатиш мумкин. Уларнинг мақола ва монографияларида Хитой ташқи иқтисодий тараққиётининг турли қирралари тадқиқ этилган.

Диссертацияда хитойлик олим ва тадқиқотчилар Ба Цзиньсинь, Ван Мэнкуй, Ванг Жи, Ли Теин, Ли Цюй, Ли Цзюнь, Ли Юйфен, Лин Йифу, Лин Юэцин, Ма Кэ, Хуан Яшен, Чжан Шоун, Цай Фан, Ян Сюэци ва бошқаларнинг⁴ илмий тадқиқотларидан ҳам фойдаланилди.

² Қаранг: China: the balance sheet: what the world needs to know now about the emerging superpower. / C.Fred Bergstein, Bates Gill, Nicholas R.Lardy, Derek Mitchell. – 1st ed. – NY: Public Affairs, 2006; Goldstein, Morris. A (Lack of) Progress Report on China's Exchange Rate Policies // Peterson Institute, Working Paper 07. – Washington D.C., 2007; Gilboy, George F. The Myth behind China's Miracle // Foreign Affairs, July/August 2004. – p. 33-48; Robert B. Koopman, Zhi Wang, Shang-Jin Wei. How much of Chinese exports is really made in China? // 8 August 2008. Source: www.voxeu.org. Last access date: 15.12.2008; Lardy, Nicholas R. Integrating China into the Global Economy. – The Brookings Institution Press, 2002; Yusuf, Shahid and Kaoru Nabeshima. China's development priorities. – Washington, D.C: The World Bank, 2006. – 154 p.; Rodrik, Dani. What's So Special about China's Exports? // NBER Working Paper No. 11947, 2006. – p. 24; Schott, Peter K. The Relative Sophistication of Chinese Exports // NBER Working Paper №12173. – Cambridge, MA, 2006; Amity, Mary and Caroline Freund. China's Export Boom // Finance & Development online. – September 2007, Vol. 44, No. 3.

³ Қаранг: Бергер Я.М. Экономическая стратегия Китая. – М.: ИД “Форум”, 2009. – 560 стр.; Гельбрас В.Г. Цена экономических успехов Китая // МЭ и МО. – М., 2007. – №9. – стр. 26-34; Глобализация экономики Китая / Ред. В.В. Михеев. М., 2003. – 391 стр.; Новоселова Л.В. О реализации инвестиционной составляющей стратегии экономического роста в КНР // Российский экономический журнал. – М., 2006. – №4. – стр. 63-72; Островский А.В. Китайская модель перехода к рыночной экономике. – М.: ИДВ РАН, 2007. – 208 стр.; Каукенов А. Казахстан и Китай: состояние и перспективы сотрудничества // Китай и страны Центральной Азии в современных геополитических условиях. Сборник статей. / Под ред. Л.Музапаровой. – Алматы: Центр по изучению Китая при ИМЭП, 2008. – стр. 39-43; Портяков В.Я. О перспективах развития Китая // Проблемы Дальнего Востока. – М., 2005. – №5. – стр. 44-61; Потапов М.А. Внешнеэкономическая модель развития стран Восточной Азии. – М., 2004. – 236 стр.; Смаилова Г. Новые возможности торгово-экономического сотрудничества КНР и государств Центральной Азии в рамках ВТО // Китай и страны Центральной Азии в современных геополитических условиях. Сборник статей. / Под ред. Л.Музапаровой. – Алматы: Центр по изучению Китая при ИМЭП, 2008. – стр. 87-90; Кузык Б.Н., Титаренко М.Л. Китай-Россия 2050: стратегия соразвития. М.: ИДВ РАН, 2006. – 653 стр.; Фроленков В.С. Современные торгово-экономические отношения КНР с Центральноазиатскими странами-членами ШОС: Автореф. дисс. к.э.н. – М., 2008.

⁴ Қаранг: Ба, Цзиньсинь. Формирование транснациональных корпораций в Китае // Проблемы Дальнего Востока. – М., 2005. – №5. – стр. 97-103; Ван, Мэнкуй и др. Экономика Китая. – С.Л.: Межконтинентальное издательство Китая, 2005. – 194 стр.; Ли, Теин. Развитие китайской экономики в XXI веке: проблемы и перспективы // Халқаро муносабатлар. – Т., 2001. – №4. – стр. 13-19; Li, Cui. China's Growing External Dependence // Finance & Development online. – September 2007, Vol. 44, No. 3; Li, Yuefen. Why is China the World's Number One Anti-Dumping Target? // China in a Globalizing World. – New York and Geneva: United Nations, 2005. – p. 75-103; Лин, Юэцин. Проблемы и возможные перспективы развития китайского экспорта // Китай и Россия: общее и особенное в социально-экономическом развитии / Под ред. Л.В.Никифорова, Т.Е.Кузнецовой, М.Б.Гусевой; ИЭ РАН. – М.: Наука, 2005. – стр. 145-151; Ма Кэ, Ли Цзюнь. Коммерция в Китае. – Межконтинентальное издательство Китая, 2004. – 515 стр.; Huang, Yesheng. Selling China: Foreign Direct Investment During the Reform Era. – NY: Cambridge University Press, 2007. – 384 p.; Шоун, Чжан. К чему привела ревальвация юаня // Китай. – М., 2006. – №7. – стр. 28-29; Lin, Justin Yifu, Fang Cai, Zhou Li. The China Miracle: Development Strategy and Economic Reform. Revised Edition // The HK Centre for Economic Research and The International Center for Economic Growth. – HK: The Chinese University Press, 2006. – 387 p.; Ян, Сюэци. Четыре года в ВТО // Китай. – М., 2006. – №1. – стр. 30-33.

Хитой иқтисодий моделининг турли қирраларини тадқиқ этган ўзбекистонлик олимлардан И.Асадуллаева, А.Исаджанов, В.Парамонов, А.Ходжаев, Н.Юсупов, Д.Қурбонов ва бошқаларни⁵ мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, миллий иқтисодиётимизнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасини атрофлича ўрганган, жумладан, экспорт салоҳиятини шакллантиришга доир масалаларни тадқиқ этган олимлар қаторида А.Абдураззоқов, О.Аҳмедов, Б.Исломов, Г.Назарова, А.Расулев, Г.Саидова, Ғ.Саматов, Н.Сирожиддинов, Э.Трушин, Н.Тўхлиев, Г.Хачиев, Б.Ходжаев, Р.Шодиев ва бошқаларни⁶ таъкидлаш жоиз.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу диссертация ишининг мақсади Хитой экспорт сиёсати стратегиясида кузатилаётган замонавий тамойиллар ва ўзига хос жиҳатларни тадқиқ қилиш ҳамда ижобий тажрибани Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини ишлаб чиқиш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг барқарор ва ўзаро манфаатли ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- халқаро савдо назариялари ва ташқи савдо сиёсатининг тарихий асосларини ўрганиш;
- Хитой экспорти жадаллашувига сабаб бўлувчи омилларни тадқиқ қилиш;
- Хитой экспорти маҳсулот таркиби ҳамда жуғрофий йўналишларини ретроспектив жиҳатдан таҳлил қилиш;

⁵ Қаранг: Асадуллаева И.Р. Хитой ташқи иқтисодий фаолиятига глобаллашувнинг таъсири: умумжаҳон тенденциялар ва намоён бўлиш хусусиятлари: Дисс. и.ф.н. – Т., 2006; Исаджанов А.А. Внешнеэкономическая политика Китая в условиях глобализации // Халқаро муносабатлар. – Т., 2009. – №1. – стр. 30-36.; Парамонов В.В. Китай и Центральная Азия: состояние и перспективы экономических отношений // Conflict Studies Research Centre. Russian Series 05/25(R). – Surrey: Defence Academy of the United Kingdom, May 2005. – 21 стр.; Ходжаев А.Б. Фактор энергетической безопасности в экономических приоритетах Китая и Узбекистана: Автореф. дисс. к.э.н. – Т., 2009; Юсупов Н.С. Аграрные реформы в странах с переходной экономикой: проблемы и особенности (на примере КНР) / Автореф. дисс. д.э.н. – Т.: УМЭД, 2007; Курбанов Д.Дж. Привлечение прямых иностранных инвестиций в КНР: опыт и возможности расширения узбекско-китайского сотрудничества: Дисс. к.э.н. – Т., 2002.

⁶ Қаранг: Абдуразаков А. Развитие экспортной деятельности перерабатывающих предприятий плодоовощной отрасли Республики Узбекистан: Автореф. дисс. к.э.н. – Т., 2006; О.Ахмедов, О.Абдурахмонов. Халқаро иқтисодий муносабатлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007. – 282 б.; Исломов Б.А. Осиё мустақил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларининг қиёсий таҳлили: Дисс. автореф. и.ф.д. – Т., 2002. – 43 б.; Совершенствование инвестиционной политики: макроэкономические условия и предпосылки активизации частных инвестиций в Узбекистане / Под. рук. Саидовой Г.К. // Доклад ЦЭИ/ПРООН. Т., 2008. – 48 стр.; Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. – Т.: УМЭД, 2004. – 224 стр.; Э.Трушин, Б.Эргашев. Внешнеторговая политика: выбор стратегии для Узбекистана // Экономическое обозрение. – Т., 2000. – №1. – стр. 6-20; Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 240 б.; Хачиев Г.А. Узбекистан: портрет на фоне мировой экономики. Т.: УМЭД, 2006. – 28 стр.; Ходжаев Б.А. Методологические аспекты обоснования экспортного потенциала как фактора эффективности внешнеэкономической деятельности // Халқаро муносабатлар. – Т., 2002. – №3. – стр. 33-39; Шадиев Р.Х. Внешнеэкономическая деятельность Узбекистана: ретроспектива и перспективы развития // Халқаро муносабатлар. – Т., 2001. – №3. – стр. 31-38.

- Хитой экспортининг эластиклигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг корреляция-регрессия таҳлилини ўтказиш;
- Хитой экспорти маҳсулот таркибига “Леонтьев парадокси” нуқтаи назаридан баҳо бериш;
- Ўзбекистон-Хитой савдо алоқалари динамикасидаги сўнгги тамойилларни аниқлаш асосида уларни барқарорлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштиришнинг инерцион ва инновацион сценарийларини ишлаб чиқиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ва Хитой экспорт сиёсатларини қиёсий таҳлил қилиш;
- Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини ошириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур тадқиқотнинг объекти Хитой экспорт сиёсати стратегиясининг ўзига хос жиҳатлари ва унда кузатилаётган замонавий тамойиллар, унинг предмети Хитой экспорти жадаллашувининг асосий омиллари, ўзбек-хитой савдо-иқтисодий муносабатлари ҳамда Хитой экспорт тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларидир.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, илмий умумлаштириш, тизимли ёндашув, эмпирик таҳлил, сценарийлар асосидаги таҳлил, корреляция-регрессия таҳлили каби услублардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий асослари. Диссертация ишида Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг асар ва маърузалари, маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг ташқи иқтисодий фаолият, хусусан, экспорт сиёсати ва ўзаро ташқи иқтисодий ҳамкорликка бағишланган илмий иш, мақола ва китоблари назарий асос вазифасини бажарди. Тадқиқотда, шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) (ингл. – WTO), Жаҳон банки (ингл. – WB), Осиё Тараққиёт банки (ингл. – ADB), БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси (ингл. – UNCTAD), БМТ Тараққиёт дастури (ингл. – UNDP) каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг турли ишчи маърузалари, нашрлари ва статистик қўлланмаларидан, Хитой ва Ўзбекистон расмий статистик манбаларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- глобаллашув шароитида мамлакат экспорт сиёсати стратегиясини узлуксиз такомиллаштириб бориш ҳамда уни инерцион ва инновацион сценарийлар асосида диверсификация қилиш зарурати;
- импорт тарифлари, тўғридан-тўғри шаклдаги хорижий инвестициялар (ТХИ) (ингл. – foreign direct investment), валюта курси, истеъмол нархлари индекси, юаннинг жорий амалиётлар ҳисоби бўйича конвертацияси, Хитойнинг ЖСТга аъзолиги каби иқтисодий-сиёсий омиллар ичида ТХИ ва ЖСТга аъзолик омилларининг биргаликда 1978-2009 йилларда Хитой экспорти эластиклигига катта таъсир кўрсатувчи омил бўлгани;
- ташқи савдо ҳажмларини жадаллаштиришда ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини тезлаштиришда толлинг операцияларининг муҳим омил экани ва уни маҳаллий шароитда ривожлантириш зарурлиги;

- Хитой экспорти жадаллашувининг ўзига хос жиҳатлари таснифи;
- Ўзбекистон-Хитой савдо алоқаларидаги сўнгги ўзгаришлар, уларни оптималлаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича берилган таклифлар;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида Ўзбекистон ва Хитой экспорт сиёсатлари қиёсий таҳлили;
- Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги жиҳатларда акс этади:

- илмий муомаладаги “экспорт сиёсати стратегияси” тушунчасига муаллифлик талқини берилди;
- Хитой экспорти жадаллашувининг асосий омиллари гуруҳлаштирилиб, экспорт маҳсулот таркиби ҳамда жуғрофий йўналишлари ретроспектив жиҳатдан таҳлил қилинди ва асосий тамойиллар кўрсатилди;
- Ўзбекистон-Хитой савдо алоқаларида кузатилаётган асосий тенденциялар, ундаги беқарор ҳолатлар ва иқтисодий манфаатларга зид келувчи жиҳатлар аниқланди;
- Ўзбекистон экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштиришга доир янги йўналишлар аниқланди;
- Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини ошириш, бу борадаги сиёсат стратегиясини такомиллаштириш ҳамда интеграцион жараёнларни жадаллаштириш орқали толлинг операцияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилди;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида Ўзбекистон ва Хитой экспорт сиёсатлари қиёсий таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги асосий таклиф ва хулосалар иқтисодиётимизнинг экспортга йўналтирилган тармоқларини ислоҳ қилишда, давлатнинг бу борадаги макроиқтисодий сиёсати механизмларини янада такомиллаштиришда, айрим ваколатли давлат идораларининг, шу жумладан, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳокимиятлар, Давлат Солиқ қўмитаси, Давлат Божхона қўмитаси органларининг муайян иқтисодий дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқишида қўлланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқотда ёритилган Хитойдаги иқтисодий ислохотлар илмий-назарий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, улардан таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ХК “Ўзбек-хитой савдо уйи” ваколатхонаси асосий иш фаолиятига, шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг “Жаҳон иқтисодиёти”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти”, “Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти” фанлари бўйича ўқув-услубий материалларни тайёрлаш ва маъруза ўқиш жараёнига татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Илмий иш ЖИДУ “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” кафедраси мажлисида (2009 йил, май), ЖИДУ Муаммовий кенгаши мажлисларида (2009 йил, июнь-сентябрь),

ЖИДУ ҳузуридаги Д.005.15.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарларда (2009 йил, ноябрь-декабрь) муҳокама қилинган.

Бундан ташқари, тадқиқот ишининг асосий натижалари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (2005-2009 йй.), Тошкент Молия институти (2008 й.), ЎзР Банк-молия академияси (2008-2009 йй.), Олий ҳарбий божхона институти (2008 й.), Тошкент Ахборот технологиялари университети (2008 й.), Тошкент давлат Иқтисодиёт университети (2009 й.), ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (2008-2009 йй.) илмий-амалий конференцияларида, шунингдек, Москва Гуманитар-иқтисодиёт институти (2008), Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси (2009 й.), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (2009 й.) халқаро конференцияларида маъруза қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича жами 11 босма табокдан ортиқроқ ҳажмда 1 рисола ҳамда 30 мақола ва тезис (шулардан 7 таси ОАК эътироф этган илмий журналларда ва 6 таси халқаро илмий-амалий конференцияларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисми, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, унинг асосий матни 156 бетни ташкил этади. Тадқиқотда 18 та жадвал, 12 та расм ва 2 та формула ўз ифодасини топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи боб **“Экспорт сиёсати стратегиясининг моҳияти ва назарий-услубий асослари”** деб номланиб, унда халқаро савдо назарияларининг ретроспектив таҳлили, ривожланаётган мамлакатларда экспорт сиёсати стратегиясини шакллантиришнинг назарий-услубий асослари ҳамда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегияларининг қиёсий самарадорлиги таҳлили келтирилган.

Замонавий халқаро савдо оқимлари П.Кругман асослаб берган “халқаро савдонинг янги назарияси” асосида тушунтирилади. Мазкур назария халқаро савдодаги А.Смит ва Д.Рикардонинг мутлақ ва нисбий устунлик назариялари, Хекшер-Олин назарияси, М.Портернинг “мамлакатнинг рақобат афзалликлари” назарияси, Р.Верноннинг “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” назарияларига таяниб, халқаро савдодаги янги концепцияни ифодалайди. Жумладан, унга кўра, кўлам самараси таъсирида халқаро савдо ҳажмлари ортиб, мамлакатларнинг деярли ўхшаш маҳсулотлар билан ўзаро савдоси (тармоқ ичи савдоси) ҳар бир тарафнинг тармоқ ичида муайян маҳсулот ва унинг ассортиментларини ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашуви билан изоҳланади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида халқаро савдода Ж.Брендер ва П.Кругманнинг “стратегик савдо сиёсати” деб номланган янги назарияси ҳам

фанда ўз ўрнини эгаллади.⁷ Мазкур назария олигополист-корхоналар ўртасидаги “стратегик хатти-ҳаракат”ларнинг халқаро савдога ҳамда миллий давлатларга иқтисодий таъсирини ўрганишни мақсад қилади.

Диссертацияда ташқи иқтисодий сиёсат стратегиясини яратиш нақадар муҳим масала экани турли жиҳатдан асослаб берилган. Ҳақиқатан ҳам, ташқи савдо сиёсатини юритиш, уни эркинлаштириш учун самарали стратегияни ишлаб чиқиш жаҳон ҳўжалигига муносиб интеграциялашувни, миллий иқтисодиётнинг ташқи дунё имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда барқарор ривожланишини кафолатлайди.

Ташқи иқтисодий сиёсат стратегияси қуйидаги унсурларни қамраб олади: импорт, экспорт, хорижий инвестицияларни жалб этиш, валюта, божхона ва миграция сиёсати стратегиялари. Мазкур элементларнинг ҳар бири алоҳида йўналиш бўлса-да, улар яхлит механизмни ташкил этиб, ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилиши керак. Ташқи иқтисодий стратегиянинг самарадорлиги ҳам айнан шу жиҳат билан белгиланади.

Яхлит тизимни ташкил этувчи юқоридаги унсурлар ичида экспорт сиёсати стратегияси алоҳида аҳамиятга эга. Экспорт сиёсати стратегияси экспорт стратегияси тушунчасидан фарқли бўлиб, уни олиб боришда давлат асосий ўрин тутди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, экспорт сиёсати стратегияси – экспорт бобида миллий манфаат ва мақсадларни амалга ошириш йўлида давлатнинг узок муддатга мўлжалланган ҳаракатлари дастури, уларнинг режаси бўлиб, унинг самарадорлиги стратегияни ишлаб чиқиш механизмига ва амалга оширилишига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Ташқи савдонинг мақсадга мувофиқ бўлган стратегиясини танлашда ХХ асрнинг сўнгги чорагида ва янги асрда қўплаб илмий-эмпирик таҳлиллар ўтказилган. Ж.Бхагвати, Б.Баласса, А.Кругер, Д.Родрик, М.Корден каби ғарб олимлари, шунингдек, В.Полтерович, В.Попов, Н.Сирожиддинов, Э.Трушин каби МДҲ ва Ўзбекистон олимлари экспортга йўналтирилган стратегиянинг узок муддатли даврда мақсадга мувофиқ сиёсат эканини исботлаб берган. Айни вақтда иқтисодий тараққиёт босқичларидан келиб чиққан ҳолда импорт ўрнини босувчи сиёсатдан экспортга йўналтирилган сиёсатга ўтиш қонуниятлари ислохотларнинг самарали ўтказилиши учун муҳим асос экани ҳам илмий-амалий мунозаралар асосида ўз тасдиғини топди.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби **“ХХР экспорт сиёсати стратегиясининг ўзига хос жиҳатлари таҳлили”** деб номланиб, унда Хитой экспорти жадаллашувига таъсир кўрсатган асосий омиллар, мамлакат экспортининг маҳсулот таркиби ва жуғрофий йўналишларининг динамик таҳлили, Хитой экспорти эластиклигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг корреляция-регрессия таҳлили, Ўзбекистон-Хитой ташқи савдо алоқалари динамикасидаги сўнгги тамойиллар тадқиқ қилинган.

Ўтказилган таҳлилга кўра, Хитой экспорти жадаллашувига таъсир кўрсатган омилларни анъанавий ва ноанъанавий гуруҳларга таснифлаш ўринлидир (1-расм). Экспорт ривожланишининг анъанавий омиллари

⁷ Brander J., Krugman P. A “reciprocal dumping” model of international trade // Journal of International Economics, Vol. 15, No 3/4, 1983. – Pp. 313-321.

деганда, илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўп мамлакатлар адолатли деб эътироф этган ҳамда тажрибада кенг қўллайдиган мумтоз омиллар мажмуи тушунилади. Экспорт жадаллашувининг ноанъанавий омилларига эса кўплаб мамлакатлар ва халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан жиддий танқидга олинадиган ҳамда бундай омилларни қўллаган мамлакатларга нисбатан муайян жазо чоралари кўрилиши мумкин бўлган, шунингдек, жаҳон тажрибасида камдан-кам ишлатиладиган омиллар мажмуи мансубдир. Таҳлиллар Хитой экспортининг жадал суръатлар билан ўсишига ҳар иккала гуруҳ омиллари таъсири катта бўлганини тасдиқлайди.




Манба: муаллиф изланишлари асосида тузилган.

1-расм. Хитой экспорти жадаллашувининг асосий омиллари таснифи

Чунончи, мамлакат экспорти жадаллашувига катта таъсир кўрсатган ички омиллар қаторида толлинг операцияларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жаҳон Божхона ташкилоти таърифича, толлинг – “божхона тадбири ҳисобланиб, унга кўра муайян маҳсулот импорт божларидан озод этилган ҳолда божхона ҳудудига олиб кирилади. Кейинчалик у ушбу ҳудудда қайта

ишланиб (йиғилиб, қадоқланиб, таъмирланиб ва ҳ.к.), реэкспорт қилинади”⁸ (таржима бизники. – С.А.). Ўтган асрнинг 90-йилларида мазкур омилнинг мамлакат ташқи савдосидаги улуши жадал ўсиб, сўнгги йилларда Хитой ташқи савдосининг 50-60 фоизи айнан шу операциялар орқали амалга оширилмоқда.

Хитой экспортининг юқори кўрсаткичларга эришишига ташқи омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Жумладан, мамлакатнинг 2001 йил сўнгида ЖСТга аъзо бўлиши мамлакат ташқи савдосига аввалги йилларга нисбатан жиддий ижобий таъсир кўрсатган. 2-расмдан кўриниб турганидек, 2002-2008 йилларда экспорт ҳажми қарийб 4,4 марта ошиб, 1428,5 млрд. АҚШ долл.га етган. Импорт бўйича ҳам ушбу даврда жадал ўсиш кузатилиб, 2008 йилда у 1133,1 млрд. АҚШ долл.га тенг бўлган. Импорт жами ҳисобда 3,8 баробар ўсиб, унинг суръатлари экспорт суръатидан пастроқдир: 2002-2008 йилларда экспортнинг ўсиш тезлиги ўртача 28%, импортники эса 25 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш керакки, бу даврда экспорт ва импортнинг ўсиш суръатлари 2001 йилдан аввалгига нисбатан қарийб икки баробар юқори бўлди. Бирок 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi натижасида 2009 йил давомида экспорт 16%, импорт эса 11% қискарди (2-расм). Шундай бўлса-да, ЖСТ тизими доирасидаги имкониятлар Хитой ташқи савдосининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.



Манба: Statistical Yearbook of China, 2008; Синьхуа агентлиги маълумотлари.

2-расм. ЖСТга аъзолик даврида Хитойда экспорт ва импорт жадаллашуви кўрсаткичлари (2002-2009 йй.)

⁸ Қаранг: www.wcoomd.org, [Сўнгги кириш: 12.10.2008]

Маълумки, замонавий шароитда ташқи бозорларга киришнинг мақбул усуллари қаторида нафақат кўптомонлама муносабатларни қўллаб-қувватлаш, балки иккитомонлама ҳамда минтақавий асосда преференциал ва эркин савдо келишувларини имзолаш усулларига ҳам аҳамият кучаяётир.⁹ Хитой бугунга қадар 16 мамлакат ва минтақа билан 8 та эркин савдо келишувини имзолаган бўлса, 2008 йилда унинг ушбу мамлакатлар билан савдоси ялпи ташқи савдо айланмасининг 20 фоизини ташкил этган. Жануби-Шарқий Осиё минтақасида интеграцион жараёнлар кучаяётган бир даврда Хитойнинг мазкур минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари келажақда янги босқичга кўтарилишини тахмин қилиш мумкин.

Хитой экспорти жадаллашувининг ноанъанавий омиллари мамлакат ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини ифода этибгина қолмай, уларнинг ҳар бири мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Бироқ мазкур омилларнинг аксарияти, бизнингча, фақат ўтиш даврига хос бўлиб қолиши лозим, акс ҳолда, улар мамлакат ташқи иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдид туғилишига олиб келиши мумкин. Масалан, Хитойда хорижга сотилаётган маҳсулотларнинг аксарияти техник даражаси бирмунча паст, харажатлари эса юқори бўлиб, қўшилган қиймат ҳажмининг кичиклиги нархнинг пасайишига, бинобарин, рақобатбардошликнинг ортишига олиб келса-да, бу маҳаллий иқтисодиётга турли жиҳатдан путур етказди.

Иккинчидан, Хитойда экспорт даромадларининг асосий қисми кўп ҳолларда фойдадан эмас, божхона солиғининг қайтариб берилиши, провинциал ҳукуматлар имтиёзлари ва бошқа омиллар эвазига қопланади. “Юқори фойда келтирмайдиган экспорт эса – “бошқаларга (ташқи дунё аҳолисига. – С.А.) кўрсатилаётган ёрдам”¹⁰ дир.

Учинчидан, корхона эгалари иш ҳақини паст даражада тутиб туриш учун ишчилар меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий муҳофаза меъёрларига риоя этмаслик, мустақил касаба уюшмалари фаолиятини чеклаш каби усуллардан ҳам фойдаланмоқда.¹¹ Қолаверса, миллий валюта қадрини атайин паст даражада тутиб туриш, ташқи савдода демпинг сиёсатини қўллаш, экспорт тармоқларига яширин тарзда субсидия ажратиш, қалбаки маҳсулотларни экспорт қилиш, маҳаллий миқёсда экспорт кўрсаткичларини бўрттириб кўрсатиш каби йўллар билан Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгалламоқда, деган фикрлар ҳам мавжуд. Хитой амалиётида учраётган юқоридаги каби “эгри” йўллар мамлакат экспортини ошираётган бўлса-да, мазкур сиёсатдан эртами-кечми воз кечилиши керак.

Хитой экспорти маҳсулот таркибининг расмий маълумотлар асосидаги таҳлили шуни кўрсатдики, тайёр саноат маҳсулотларининг жами экспортдаги

⁹ Внешнеэкономическая стратегия России в условиях глобализации. / Тезисы доклада д.э.н. Спартака А.Н. и содоклада Оболенского В.П. // МЭ и МО. – М., 2008. – №5. – стр. 9.

¹⁰ Юэцин, Лин. Проблемы и стратегия развития китайского экспорта // Проблемы современной экономики. – М., 2004. – N1(9). Эл.версия: [www.m-economy.ru/art.php3?artid=19408], [Посл.вход: 16.01.2007].

¹¹ Hufbauer, Gary Clyde et al. US-China Trade Disputes: Rising Tide, Rising Stakes / G.Hufbauer, Y.Wong, K.Sheth. – Washington DC, 2006. – p. 10.

ҳажми сўнгги ўттиз йил ичида 50дан 95 фоизга ўсган. 90-йилларнинг ўрталаригача мамлакат экспортида меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши юқори бўлса, ундан кейинги даврда экспортда илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар томон силжиш қайд этилган. 2004 йилга келиб эса, тайёр маҳсулотлар экспортида капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлардан ошиб кетган. Шундай бўлса-да, Хитойни ҳам саноат ишлаб чиқариши, ҳам экспортда юқори технологиялар юксак даражада тараққий этган мамлакатлар сафига киритиб бўлмайди. Зеро, чуқурроқ таҳлил қилинса, ўзгача вазият кузатилади:¹² Хитой бошқа омиллар қаторида халқаро меҳнат тақсимооти тизимида капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг меҳнат талаб этиладиган қисмини бажаришга ихтисослашган. Бундан хулоса шуки, “Леонтьев парадокси” глобаллашувнинг юқори босқичида ва Хитой каби мамлакатлар шароитида ўз тасдиғини топмоқда.

Умуман олганда, Хитой экспорти маҳсулот таркибидаги ўзгаришлар мамлакатда олиб борилган самарали саноат ислохотлари, толлинг операцияларини рағбатлантириш сиёсати, қулай инвестицион иқлимнинг мавжудлиги, жорий амалиётлар ҳисоби бўйича конвертациянинг очилгани, ЖСТга аъзолик каби сабаблар туфайли рўй берган.


Айни чоғда Хитой экспорти жуғрофий йўналишлари таҳлили шуни кўрсатдики, 1990-2008 йилларда Хитойнинг ривожланган мамлакатларга экспорти 36дан 54-55 фоизга ўсган. Бу борада аниқланган яна бир тамойил шуки, 1990 йилдан кейинги даврда мамлакат экспорти таркиби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар кесимида чуқур диверсификациялашган.

Тадқиқот доирасида Хитой экспортга таъсир кўрсатувчи омилларнинг корреляция-регрессия таҳлили ҳам ўтказилиб, унга кўра иқтисодий (импорт тарифлари, ТХИлар, расмий айирбошлаш курси, истеъмол нархлари индекси) ҳамда сиёсий омиллар (жорий амалиётлар бўйича конвертациянинг очилгани ва ЖСТга аъзолик) ичида ТХИлар ва ЖСТга аъзолик омиллари иштирокидаги регрессия тенгламаси Хитойнинг 1978-2009 йиллардаги ялпи экспорти эластиклигини бенуқсон тушунтириб бериши мумкинлиги маълум бўлди. Бундай натижа Хитой экспортининг жадаллашувига мамлакатнинг ЖСТ тизимида аъзолиги доирасида юзага чиққан имкониятлар билан бирга, асосан, толлинг операциялари билан шуғулланувчи экспортга йўналтирилган инвестициялар катта таъсир кўрсатганини англатади.

Хитой экспортида толлинг операцияларининг аҳамияти юқори экани бу борада янада чуқурроқ таҳлил олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Шу муносабат билан, қўшилган қиймат кўрсаткичи орқали толлинг операцияларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ретроспектив жиҳатдан ўрганилди. Таҳлилга кўра, қўшилган қиймат кўрсаткичи 1989 йилгача манфий бўлиб, бу ҳолат дастлабки йилларда толлинг операцияларини амалга ошириш учун машина ва ускуналар импортининг толлинг доирасидаги экспортдан юқори бўлгани билан изоҳланади. Бироқ 1990 йилдан кейинги

¹² Бу борадаги таҳлил қуйидаги манбада батафсил ёритилган: Аъзам С.Э. Высокотехнологичный Китай: факты и размышления. – Т.: ГНИ “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2008. – 56 стр.

даврдда ҳам толлинг доирасидаги қўшилган қиймат деярли ўзгармай қолди. 3-расмдан кўриниб турганидек, 1990-95 йилларда қўшилган қиймат даражаси 26дан 16,5 фоизга тушиб кетган, кейинчалик эса бу борада яна ўнгланиш бўлди. 1995-99 йилларда у 33,6 фоизгача ўсиб, кейинги беш йилликда шу кўрсаткич атрофида сақланиб қолди. 2005-2009 йилларда толлинг доирасидаги маҳаллий қўшилган қиймат бир текисда ўсиб, ислохот йилларидаги энг юқори кўрсаткичга 2009 йилда эришилди (45%). Умуман, 1990-2009 йилларда маҳаллий миқёсда толлингдан эришилган фойда ўртача 31 фоизни ташкил этиб, бу Хитойдек мамлакат учун паст кўрсаткичдир.



Изоҳ: Қўшилган қиймат куйидаги формула оркали ҳисобланди: (толлинг доирасидаги экспорт – толлинг доирасидаги импорт) * 100 / толлинг доирасидаги экспорт = толлинг доирасидаги маҳаллий қўшилган қиймат.

Манба: Statistical Yearbook of China, 2008 ва Statistical Communiqué of the People's Republic of China on the 2009 National Economic and Social Development асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

3-расм. Толлинг ва маҳаллий қўшилган қиймат динамикаси (1990-2009 йй.)

Айни чоғда 2004 йилдан кейин толлинг доирасидаги экспорт ва импорт ўртасидаги фарқнинг тобора катталашуви толлинг операцияларига маҳаллий компонентларнинг ҳам қўшилаётганидан далолат бериб, бу ижобий ҳолдир. Табиийки, бунга ҳукуматнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий компонентлардан фойдаланишни рағбатлантириш сиёсати сабаб бўлмоқда. Катта ҳажмдаги инвестицияларнинг киритилиши ва технологик модернизациянинг амалга оширилиши натижасида эса экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий компонентлардан фойдаланиш кўлами ортмоқда. Буни сўнгги беш-олти йилда импортнинг сезиларли секинлашуви таъсирида тобора ўсиб бораётган савдо профицити мисолида кўриш мумкин. Айни дамда толлинг доирасидаги импорт компонентларининг анъанавий манбаи бўлган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги савдо дефицитининг ҳам торайиши ушбу фикрнинг яна бир исботидир. Шу нуктаи

назардан олиб қараганда, ташқи талаб ва валюта курсидаги ўзгаришларнинг мамлакат экспортига таъсир этиш даражаси ошмоқда дейиш мумкин.

Диссертацияда Ўзбекистон-Хитой ташқи савдо муносабатлари ҳам атрофлича тадқиқ этилди. Таҳлилларга кўра, 1992-2009 йилларда Ўзбекистон-Хитой ташқи савдо айланмаси мунтазам равишда ўсган бўлса-да, 1998 йилдан кейинги даврда Ўзбекистонга нисбатан асосан манфий сальдо кузатилган. Бу ҳолат, жумладан, 2004 йилдан кейин Ўзбекистоннинг Хитойга экспортида хомашё улушининг (пахтанинг) юқори бўлгани (2004-2008 йилларда бу улуш ҳатто 70-80 фоизга етган) ва аксинча, тайёр маҳсулотлар экспортининг камайгани билан изоҳланади (1-жадвал). Импорт таркибида эса машина ва ускуналарнинг улуши юқори экани мамлакатимизда олиб борилаётган саноатлашув жараёнлари билан боғлиқ бўлгани учун ижобий тамойил сифатида баҳоланиши мумкин.

1-жадвал

**Ўзбекистоннинг Хитой билан ташқи савдо муносабатлари маҳсулот таркиби,
2003, 2008 ва 2009 йиллар**

Маҳсулот турлари	2003 йил		2008 йил		2009 йил	
	Экс- порт	Им- порт	Экс- порт	Им- порт	Экс- порт	Им- порт
	%	%	%	%	%	%
Жами	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	4,0	--	78,8	--	53,9	--
Озиқ-овқатлар	4,6	8,9	0,5	2,6	0,5	2,4
Кимё маҳсулотлари	0,6	18,7	1,7	11,8	20,6	9,6
Энергия манбалари	4,0	--	2,4	0,0	6,6	0,0
Рангли металллар	1,2	--	0,2	--	0,1	--
Қора металллар	-	1,4	-	7,0	-	4,6
Машина ва ускуналар	19,0	47,7	0,1	69,7	0,0	76,4
Хизматлар	48,2	8,6	8,2	1,3	9,0	0,8
Бошқалар	18,4	14,7	8,1	7,6	9,3	6,2
ЖАМИ (млн. АҚШ долл.)	52,4	164,2	257,4	1039,3	489,0	1562,4
САЛЬДО (млн. АҚШ долл.)	-111,8		-781,9		-1073,4	
Товар айланмаси (млн. АҚШ долл.)	216,6		1296,7		2051,4	

Изоҳ: - бундай маҳсулот экспорт қилинмайди. // -- бундай маҳсулот импорт қилинмайди.

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси, 2004, 2009 ва 2010 йиллар.

Диссертация ишининг учинчи боби “**Хитой экспорт сиёсати тажрибасини Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ривожлантиришда қўллаш имкониятлари**” деб номланиб, унда жаҳон молиявий инқирози шароитида Ўзбекистон ва Хитой экспорт сиёсатлари қиёсий таҳлили, Ўзбекистонда экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий имкониятлари ишлаб чиқилган.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига турли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқироздан, айниқса, халқаро молия тизимига ҳамда жаҳон иқтисодиётига кўпроқ интеграциялашган мамлакатлар, тармоқ ва соҳалар

жиддий зарар кўрмоқда. Бундай шароитда ўз вақтида инқирозга қарши дастурларнинг қабул қилиниши, инқироз таъсирини юмшатиш учун макроиқтисодий устуворликларнинг қайта кўриб чиқилиши ва тезкор равишда шароитга мослаштирилиши инқирозга қарши “иммунитет”нинг шакллантирилишида муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматларининг инқироз шароитида олиб бораётган иқтисодий сиёсатларини мисол келтириш мумкин.

Аввало, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ва Хитойнинг жаҳон молия тизимида босқичма-босқич интеграциялашуви, инқироздан аввалги даврда бу масалада иқтисодий таҳдид туғдириши мумкин бўлган жиҳатларнинг олди олингани, шунингдек, йиллар давомида бу борада олиб борилган пухта макроиқтисодий сиёсат натижасида ушбу мамлакатлар молия тизимида жорий инқироз жиддий таъсир кўрсатмади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2000 йилдан кейин ўтган давр мобайнида Хитой ялпи ташқи қарзлари ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан атиги 10-12% миқдорида барқарор сақланиб келган. Бу белгиланган меъёрлардан анча паст бўлиб, иқтисодиётнинг валютавий тўлов қобилиятига эга эканини кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам инқироздан аввалги даврдаёқ ташқи қарзларни оптимал ҳолатга келтиришга эришилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ташқи қарзлари миқдори ЯИМга нисбатан тахминан 10 фоизни ташкил этади. Айни вақтда Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, 2008 йилда Хитой ва Ўзбекистонда олтин-валюта захиралари ҳажми меъёр доирасида сақланиб, улар тегишли равишда 19 ва 16 ойлик импортга тенг бўлган. Иккала мамлакат ташқи савдо сальдосининг йиллар давомида ижобий бўлиб келгани ва юқори суръатлар билан ўсаётгани ҳам ушбу мамлакатларда глобал инқироз шароитида барқарор сиёсат юритилаётганидан дарак беради.

2-жадвал

2009-2010 йиллар учун Хитойда инқирозга қарши чора сифатида ажратилган молиявий маблағлар йўналишлари

Мақсад	Маблағ ҳажми		Улуши, % да
	млрд. юань ҳисобида	млрд. АҚШ долл. ҳисобида	
Транспорт инфратузилмаси лойиҳалари	1500	220	37,5
Сичуанда зилзиладан кейинги қайта қуриш ишлари	1000	146	25,0
Шаҳарларда ижтимоий объектларнинг қурилиши	400	59	10,0
Қишлоқларда ижтимоий объектларнинг қурилиши	370	54	9,25
Экологияни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни тежаш бўйича лойиҳалар	210	31	5,25
Таълим ва соғлиқни сақлаш лойиҳалари	150	22	3,75
Бошқа мақсадлар (технологик ва саноат лойиҳалари, банк-молия тизимида ёрдам ва ҳ.к.)	370	54	9,25
ЖАМИ	4000	586	100

Манба: Карлусов В. Китай: антикризисный потенциал экономики и меры борьбы с мировым кризисом // Вопросы экономики. – М., 2009. – №6. – стр. 134; муаллиф ҳисоб-китоблари.

Хитой инқирозга қарши дастури доирасида мамлакат ҳукумати 2008 йилнинг ноябридаёқ 2009-2010 йилларга мўлжаллаб 4 трлн.юань (586 млрд. АҚШ долл.) маблағ ажратилишини маълум қилди. Мазкур маблағ ЯИМга нисбатан 13,3 фоизни ташкил этиб, унинг асосий қисми транспорт инфратузилмаси лойиҳалари (37,5%), Сичуань провинциясидаги зилзиладан кейинги қайта қуриш ишлари (25%), шаҳар ва қишлоқларда уй-жой қурилиши лойиҳаларига (19,25%) сарфланиши кўзда тутилган (2-жадвал).

Мамлакат инқирозга қарши дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар натижасида экспорт тармоқларида жиддий муаммолар юзага келаётган бир шароитда асосий эътибор ички истеъмолни жонлантиришга қаратилмоқда. Жумладан, экспорт корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг маҳсулотлари нафақат ташқи бозорга сотилмоқда, балки ички бозорни тўйинтиришга ҳам йўналтирилмоқда. Хусусан, эркин иқтисодий ҳудудларда ишлаб чиқарилган ҳамда толлинг асосида қайта ишланган маҳсулотларнинг муайян қисми ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун сафарбар этилмоқда. Буни қишлоқ ҳудудларидаги оилаларни арзон-гаров техника билан таъминлаш мақсадида “Уй-рўзғор техникаси – қишлоққа!” шиори остида олиб борилаётган сиёсатдан, шунингдек, аҳоли ўртасида муайян маҳсулотларни харид қилиш учун махсус купонлар тарқатилаётганидан ҳам кўриш мумкин. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 2009 йилда Хитой иқтисодий ўсишининг 50 фоизи ички истеъмол ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, Хитой ҳукумати экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли кўмак дастурларини амалга оширмоқда. Экспортчи корхоналар фаолиятига нисбатан ҚҚСни бутунлай ёки унинг муайян фоизини қайтариб бериш, экспорт қилинаётган маҳсулотларга божхона тўловларининг бир қисmini бекор қилиш сиёсатлари шулар жумласидандир. Қолаверса, 2010 йил 1 январдан ишга тушган Хитой-АСЕАН эркин савдо ҳудуди ҳам Хитой маҳсулотларининг АСЕАН мамлакатлари бозорига божхона тўловларидан озод этилган ҳолда кириши учун катта имконият туғдиради. Хитой ҳукумати иқтисодий тушқунлик даврида дунё мамлакатларини протекционизмдан сақланишга чақириш орқали маҳаллий экспортчиларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан Инқирозга қарши дастур доирасида белгилаб берилган асосий вазифаларда мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолияти соҳасига алоҳида урғу берилганини таъкидлаш лозим. Унда инқироз шароитида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш; жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётганини ҳисобга олиб, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш; қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш; электро-энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини

камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш; жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби инкироз ҳолатида экспорт сиёсатига оид стратегик ёндашувлар мажмуи¹³ таклиф этилиб, буларнинг барчаси экспортчи корхоналар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ва Хитой инкирозга қарши дастурлари қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, экспортни қўллаб-қувватлаш бобида ҳар иккала мамлакатда жиддий ва самарали ислохотлар олиб борилмоқда. Шу маънода ушбу мамлакатларнинг глобал инкироз таъсиридан тезроқ ва талофотсиз қутулишига етарли асослар бор.

Фикримизча, экспорт сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишда айрим тамойилларга амал қилиш лозим бўлиб, бу борада давлатнинг роли муҳим. Ўзбекистон экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштириш учун мавжуд тўсиқ ва муаммоларни доимий тарзда аниқлаб бориш, муҳим йўналишларда устувор мақсадларни белгилаб олиш асосида инерцион ва инновацион диверсификация сиёсати комбинацияларини амалда қўллаш таклиф этилади.

Экспортни инерцион жиҳатдан диверсификация қилиш деганда, унинг таркибини мамлакатнинг жорий қиёсий афзалликларини сафарбар этиш ва умумлаштириш орқали хилма-хиллаштириш назарда тутилади. Бунда экспорт таркибидаги маҳсулот ва хизматлар принципиал жиҳатдан ўзгармайди, фақат мавжуд ихтисослашув янада такомиллаштирилади. Экспорт таркибида вилоятлар, корхоналар, мулкчилик шакллари, кичик бизнес ва ҳунармандчилик субъектлари улушини диверсификация қилиш, экспорт фаолияти шакллари кенгайтириш ва такомиллаштириш эвазига диверсификация қилиш (мас-н, чегарадаги савдо) бунга мисол бўла олади.

Экспортнинг инновацион нуқтаи назардан диверсификацияси эса унинг таркибини инновацион ишлаб чиқаришни амалга ошириш орқали хилма-хиллаштиришни англаиб, бунда мамлакатнинг қиёсий афзалликлари янада такомиллаштирилади ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг янги рақобатбардош кластерлари шаклланишига йўл очиб берилади. Ишлаб чиқариш жараёнига энергия сарфини тежовчи техника-технологияларни жорий этиш орқали рақобатбардош экспорт маҳсулотларининг ташқи бозорларга таклиф этилиши, янги-янги техник, технологик ва хизматга оид кашфиётларни тижоратлаштириш йўли билан уларнинг экспорти жадаллаштирилиши экспортнинг инновацион диверсификациясига мисол бўла олади.

Таҳлилнинг кўрсатишича, экспортнинг ҳам инерцион, ҳам инновацион жиҳатдан диверсификация қилиниши экспорт тушумларининг барқарор ўсишига, ташқи савдо мувозанатида ижобий тенденцияларнинг юзага келишига, ташқи иқтисодий таҳдидларнинг олди олинишига – ташқи иқтисодий иммунитетнинг мустаҳкам бўлишига замин яратади. Зеро, бундай иммунитет турли инкирозли ҳолатларда экспортдаги тебранишларнинг иқтисодий ўсишга салбий таъсирини чеклашда қўл келади.

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 32-35-бетлар.

ХУЛОСА

Хитой экспорт сиёсатида кузатилаётган сўнгги тамойиллар ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш натижасида шакллантирилган **асосий хулосалар** қуйидагилардан иборат:

1. Хитой экспорти жадаллашувига сабаб бўлган омилларни икки гуруҳга – анъанавий ва ноанъанавий омиллар гуруҳига бўлиш мумкин. Экспорт ривожланишининг анъанавий омиллари деганда, илмий-амалий жиҳатдан кўп мамлакатлар одилона деб эътироф этган ҳамда тажрибада кенг қўллайдиган омиллар мажмуи тушунилади. Ноанъанавий омилларга эса алоҳида туркум мамлакатлар ва халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан жиддий танқидга олинадиган ҳамда бундай омилларни қўллаган мамлакатларга нисбатан муайян жазо чоралари кўрилиши мумкин бўлган омиллар мажмуи мансубдир. Хитой тажрибасида экспортни жадаллаштиришнинг ҳар иккала усули кенг қўлланилади.

2. Хитойнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига жадал интеграциялашувига сабаб бўлган асосий омиллардан бири мамлакатда толлинг операцияларини ривожлантириш учун кенг имкониятларнинг мавжудлигидир. Жумладан, Хитойнинг жуғрофий қулай ҳудудда жойлашгани, унинг Жануби-Шарқий Осиёдаги минтақавий меҳнат тақсмоти афзалликларидан унумли фойдаланиши мумкинлиги, ушбу минтақада жадал ривожланаётган мамлакатларнинг мавжудлиги, қолаверса, Хитой инвестицион иқлимнинг қулайлиги ва ички иқтисодий захираларининг етарлилиги, мамлакатга киритиладиган ТХИларнинг аксарияти асосан Жануби-Шарқий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи хитойликлар томонидан амалга оширилиши каби омиллар мамлакатнинг ташқи савдо квотаси ортишига сабаб бўлган.

3. Хитой экспорти маҳсулот таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, тайёр маҳсулотларнинг жами экспортдаги улуши 1978-2008 йилларда 50дан 95 фоизга ўсган. Ўтган асрнинг 80-йилларида Хитой экспортида меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар асосий ўринни эгаллаган бўлса, 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Хитой экспортида ишлаб чиқариш мураккаб бўлган ва катта капитал талаб этадиган маҳсулотларга силжиш кузатила бошланди. 2004 йилга келиб, тайёр маҳсулотлар экспортида капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши илк маротаба меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотларга нисбатан юқори бўлди. Мазкур таркибий ўзгаришлар мамлакатда олиб борилган жадал саноат ислохотлари туфайли рўй берди.

Экспортнинг жуғрофий йўналишлари таҳлили шуни кўрсатдики, 1990-2009 йилларда Хитойнинг ривожланган мамлакатларга экспорти 54 фоизга етган. Шунингдек, 1990 йилдан кейинги даврда мамлакат экспорти таркиби нафақат ривожланган мамлакатлар бўйича, балки ривожланаётган мамлакатлар бўйича ҳам диверсификациялашган.

4. Корреляция-регрессия таҳлили натижаларидан маълум бўлдики, танланган иқтисодий-сиёсий омиллар ичида ТХИлар ва ЖСТга аъзолик омиллари иштирокидаги регрессия тенгламаси Хитойнинг 1978-2009 йиллардаги ялпи экспорти эластиклигини бенуксон тушунтириб бериши

мумкин. Демак, ислохот йилларида Хитой экспортининг жадаллашувига асосан ТХИлар ва мамлакатнинг ЖСТга аъзолиги катта таъсир кўрсатиб, тенгламадаги бошқа предикторлар улар орқали ифода этилади.

5. Бугунги кунда халқаро меҳнат тақсимоти асосидаги глобаллашув жараёнлари миллий иқтисодиётларни бир-бирига шунчалик боғлиқ қилиб қўйдики, қайси мамлакатлар замонавий техника-технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, қайсиларида эса улар эндигина ривожланмоқда – бу саволларга жавоб топиш қийин. Хитойни ҳам, бир қарашда, бундай технологиялар энг ривожланган мамлакатлар сафига қўшиш мумкин. Чунки бугунги Хитой экспортининг 93-94 фоизи тайёр маҳсулотлардан иборат бўлиб, унинг асосий қисмини капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ташкил этади. Бироқ чуқурроқ таҳлил асосида ёндашилганда, Хитойнинг бошқа омилар қаторида халқаро меҳнат тақсимоти тизимида капитал сиғими юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг меҳнат талаб этиладиган қисмини бажаришга ихтисослашгани маълум бўлди. Демак, хулоса шуки, “Леонтьев парадокси” глобаллашувнинг юқори босқичида ва Хитой каби мамлакатлар шароитида ўз тасдиғини топиши мумкин.

6. Ўзбекистон-Хитой савдо алоқалари динамикасидаги сўнгги таҳлилларга кўра, мамлакатлар ўртасида ташқи савдо ҳажмлари мунтазам равишда ўсгани ҳолда, Ўзбекистонга нисбатан манфий сальдо кузатилмоқда. Таҳлил натижаларидан Ўзбекистоннинг Хитойга экспортида хомашё улушининг (айниқса, пахтанинг) тобора ўсиб, тайёр маҳсулотлар экспортининг эса камайиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

7. Ўзбекистон шароитида экспорт сиёсати стратегиясини янада такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш натижасида экспортнинг инерцион ва инновацион жиҳатдан диверсификациясини амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Мазкур сценарийлар мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида учраётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишда ҳамда ташқи иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

8. Ўтказилган тадқиқотдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Хитой ва Ўзбекистон иқтисодиётининг инқирозга “чидамлилик” даражаси юқори экани маълум бўлди. Мазкур ҳолат ташқи қарзларнинг ЯИМ га нисбати, ялпи ташқи қарзлар туркумида қисқа муддатли ташқи қарзлар салмоғи, ташқи савдо сальдоси, олтин-валюта захиралари ҳажми каби кўрсаткичлар бўйича ҳар икки мамлакатни таққослаш асосида аниқланди.

Инқирозга қарши дастурларида экспортчи корхоналарни турли усуллар ёрдамида қўллаб-қувватлаш масаласига кенг ўрин ажратилгани ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳам Хитой ва Ўзбекистон иқтисодиётининг умумий жиҳатларга эга эканидан далолат беради.

Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосаларга асосланиб, Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини ошириш учун умумий кўринишда қуйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистонда маҳсулот ва хизматлар соҳасида толлинг операцияларини ривожлантириш, муайян интеграцион бирлашмалар ва трансмиллий корпорациялар доирасида маҳаллий корхоналарнинг халқаро

меҳнат тақсимои занжирларига ва кооперацион ҳамкорлик бўғинларига қўшилишини комплекс даражада таъминлаш, тегишли инфратузилмани барпо этиш лозим.

2. Ўзбекистон экспорти маҳсулот таркибини оптималлаштириш ва унинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш учун экспортнинг инерцион ва инновацион сценарийлар асосида диверсификациясини амалга ошириш, экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштиришда мазкур жиҳатларни ҳисобга олиш зарур.

3. Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда экспортга йўналтирилган ТХИларни вилоятлараро тенг тақсимлаш асосида жалб этилишини таъминлаш, лозим топилганда, бу масалага ички инвестицион ресурсларни сафарбар этиш таклиф этилади.

4. Хорижий инвестицияларсиз сустроқ ривожланадиган, бироқ уларни жалб этганда монополлашув вужудга келиши мумкин бўлган айрим “нозик” тармоқларда (масалан, янги ва юқори технологиялар соҳаси) иқтисодий хавфсизликка путур етмаслиги учун улар билан тенгма-тенг рақобат қила оладиган, тегишли соҳаларида пешқадам бўлган корхоналарни – “миллий ғолиблар”ни шакллантириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш даркор.

5. Макроиқтисодий барқарорликни сақлаган ҳолда сўм девальвацияси сиёсатини давом эттириб, маҳаллий экспортчиларни қўллаб-қувватлашга, экспортга йўналтирилган ТХИларнинг жалб этилишига, халқаро меҳнат тақсимои занжирларига уланишни тезлаштиришга имкон яратиш керак.

6. Ташқи савдода қийинчиликка учраётган тармоқларда фаолият юритаётган ташқи савдо компаниялари низом жамғармасига экспорт соҳасида бой тажрибага эга бўлган хорижий инвесторларни шерик қилиб, рақобат майдони ҳосил бўлиши учун ушбу ислохотни мамлакатда экспортга йўналтирилган молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш билан параллель тарзда олиб бориш тавсия этилади.

7. Маҳаллийлаштирилаётган ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси юқори бўлиши учун киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлик “излаб” киритилишини таъминлаш ва албатта экспортга йўналтириш лозим.

8. Хитойнинг ЭИХларни бошқариш тажрибасини маҳаллий шароитга мослаган ҳолда амалиётга татбиқ этиш (Навоий эркин саноат-иқтисодий ҳудудига) ва ушбу ҳудудларда экспортга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш, уларнинг толлинг операцияларини ривожлантиришдаги катализаторлик функциясидан кенг фойдаланиш лозим.

9. Юқори технологиялар соҳасининг жадал ривожланиши учун самарали давлат аралашувининг муҳимлигини инобатга олиш ҳамда мамлакатда хорижий технологияларнинг оператив диффузиясини ташкил этиш йўлида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш даркор.

10. Ўзбекистонда франчайзинг ва лицензиялар савдосига доир фаолиятни жадаллаштириш ҳамда университетлар, илмий тадқиқот институтлари ва саноат корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиши учун самарали механизм ишлаб чиқиш таклиф этилади.

11. Ўзбекистон-Хитой иккитомонлама ташқи савдо алоқаларини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш лозим:

– Хитой билан “Янги Буюк Ипак йўли” лойиҳаси доирасида манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мазкур лойиҳада самарали иштирок учун ҳозирданоқ тегишли ташқи иқтисодий инфратузилмани шакллантириш;

– Хитойнинг иқтисодий жихатдан қолоқ бўлган ғарбий вилоятларида инфратузилма қурилишларида иштирок этиш;

– жорий йилда Ўзбекистоннинг ШХТда раислигидан унумли фойдаланган ҳолда ташкилот аъзолари ўртасида саноат кооперациясини йўлга қўйиш, иқтисодий интеграция жараёнларини жадаллаштириш, ўзаро ҳисоб-китобларда ягона валютадан фойдаланиш ғоясини илгари суриш, ҳ.к.;

– икки томонлама савдо алоқаларидаги сўнгги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда энергия манбалари экспорти соҳасида “голланд касаллиги” ҳолатининг юзага келишига йўл қўймаслик;

– маҳаллий маҳсулот ва хизматларни Хитойда кенг тарғиб қилиш учун турли кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш, бу борада иқтисодий дипломатия каналларидан дадилроқ фойдаланиш;

– Хитой билан икки томонлама савдо айланмаси ҳажмини оширишга эмас, хитой сармояларини жалб этишга кўпроқ аҳамият қаратиш;

– мамлакатимиз божхона тизими фаолиятини янада такомиллаштириш орқали Хитойдан турли ноқонуний йўллар билан кириб келаётган қалбаки маҳсулотларни таъқиб қилиш ва ҳ.к.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Аъзам С.Э. Перспективное сотрудничество ВТО с Узбекистаном // Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш: фак-т илм. конф. матер. тўплами (2003-2004 йй.). – Т.: ЖИДУ, 2005. – Б. 13-21.

2. Аъзам С.Э. “Хитой мўъжизаси”нинг иқтисодий асослари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. – №3. – Б. 26-29.

3. Аъзам С.Э. Хитой иқтисодиётида минтакавий тенгсизлик муаммоси // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2006. – №4. – Б. 49-57.

4. Аъзам С.Э. Хитой – сармоялар мамлакати // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2006. – №11. – Б. 39.

5. Аъзам С.Э. Хитой экспорти жадаллашувининг ноанъанавий омиллари // Замонавий халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари: илм.-амал. конф. матер. тўплами (2007 йил, март). – Т.: ЖИДУ, 2007. – Учинчи жилд. – Б. 193-198.

6. Аъзам С.Э. Хитойда мулкчилик ислоҳоти: қишлоқ корхоналари – тараққиётнинг муҳим таянчи // Замонавий халқаро муносабатлар ва Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларнинг долзарб муаммолари: илм.-амал. конф. матер. тўплами (2007 йил, 30 май). – Т.: ЖИДУ, 2007. – Бешинчи жилд. – Б. 139-144.

7. Аъзам С.Э. Нефтяная безопасность Китая // Экономическое обозрение. – Тошкент, 2007. – №6. – Б. 40-41.
8. Аъзам С.Э. Китайский экспорт высокотехнологичной продукции: особенности и тенденции. Часть I. // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 26-34.
9. Аъзам С.Э. Китайский экспорт высокотехнологичной продукции: особенности и тенденции. Часть II. // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 36-43.
10. Аъзам С.Э. Высокотехнологичный Китай: факты и размышления. Т.: ГНИ “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2008. – 56 с.
11. Аъзам С.Э. Экспорт ва экология: глобаллашув жараёнидаги зиддиятлар // Глобаллашув жараёнлари ва ёшлар маънавияти: респ. илм.-амал. сем. матер. тўплами (2008 йил, 16 апрель). – Т.:ТАТУ, 2008. – Б. 99-102.
12. Аъзам С.Э. Тенденции китайского экспорта контрафактной продукции и меры социально-экономической безопасности Республики Узбекистан // ЎзРнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда божхона механизмини такомиллаштириш масаллари: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2008 йил, 28-29 май). – Т.: ДБК ОХБИ, 2008. – Б. 42-47.
13. Аъзам С.Э. Вопросы становления финансово-промышленных групп в контексте экспортоориентированного развития стран с переходной экономикой (на примере РУз) // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: матер. межд. науч.-прак. конф. (22 мая 2008 года). – Москва, МГЭИ. – Часть I. – Б. 114-117.
14. Аъзам С.Э. Создание “национальных чемпионов” – важная составляющая инновационного развития // Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновациялар, рақобатбардошлик, инвестициялар: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2008 йил, 23 апрель). – Т.: Молия, 2008 йил. – II жилд. – Б. 201-204.
15. Аъзам С.Э. Қулай инвестицион иқлим – иқтисодий тараққиёт гарови (Хитой тажрибаси асосида) // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: матер. межд. науч.-прак. конф. (26-27 сентября 2008 года). – Т.: Молия, 2008. – Б. 64-69.
16. Хусаинов Ш.А., Аъзам С.Э. Қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш Хитой инвестицион салоҳиятига қандай таъсир этади? // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: матер. межд. науч.-прак. конф. (26-27 сентября 2008 года). – Т.: Молия, 2008. – Б. 59-64.
17. Аъзам С.Э. XXI асрда Ўзбекистон-Хитой ташқи савдо алоқалари: замонавий тамойиллар ва муаммолар // Глобаллашув жараёнлари: тенденциялари, истикболлари ва муаммолари: илм.-амал. конф. матер. тўплами (2008 йил, ноябрь). – Т.: ЖИДУ, 2008. – Ўнинчи жилд. – Б. 79-82.
18. Аъзам С.Э., Исломова Н.Б. Хитой инновацион тараққиёт йўлида: ютуқ ва муаммолар // Глобаллашув жараёнлари: тенденциялари, истикболлари ва муаммолари: илм.-амал. конф. матер. тўплами (2008 йил, ноябрь). – Т.: ЖИДУ, 2008. – Ўнинчи жилд. – Б. 88-91.

19. Аъзам С.Э. Парадокс в условиях глобализации // Двадцать вторые Международные Плехановские чтения: Тез. докл. (10 апреля 2009 года). – М.: ГОУ ВПО “РЭА им. Г.В.Плеханова”, 2009. – стр. 285-286.

20. Аъзам С.Э. Дилемма собственности в высокотехнологичном экспорте КНР // XVI Международная конференция студентов, аспирантов и молодых ученых “Ломоносов”: матер. докл. (13-18 апреля 2009 года). Секция “Экономика инноваций”. – М.: МАКС Пресс, 2009. – Адрес ресурса в сети интернет: http://www.lomonosov-msu.ru/archive/Lomonosov_2009/29.htm

21. Аъзам С.Э. Халқаро савдо ва инвестициялар: инқироз ва келажақ // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, 25 апрель). – Т.: ЖИДУ, 2009. – Б. 104-107.

22. Тўхлиев Н.Т., Аъзам С.Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро савдога таъсири // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, 1 май). – Т.: Молия, 2009. – I жилд. – Б. 128-130.

23. Аъзам С.Э. Ҳам синов, ҳам имконият // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, 1 май). – Т.: Молия, 2009. – I жилд. – Б. 254-257.

24. Тўхлиев Н.Т., Аъзам С.Э. Хитой инқирозга қарши чоралар дастурининг ўзига хос жиҳатлари // Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, 11 май). – Т.: Молия, 2009. – Б. 74-78.

25. Аъзам С.Э. Инқироз шароитида протекционизмнинг келиб чиқиши ва оқибатлари // Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами. (2009 йил, 11 май). – Т.: Молия, 2009. – Б. 167-170.

26. Аъзам С.Э. Ташқи омиллар таъсирида Ўзбекистон саноат сиёсатининг ривожланиш истиқболлари // Глобаллашув жараёнлари: тенденциялари, истиқболлари ва муаммолари: илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, май). – Т.: ЖИДУ, 2009. – Ўн биринчи жилд. – Б. 213-217.

27. Аъзам С.Э. Ташқи савдо стратегияларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари // Глобаллашув жараёнлари: тенденциялари, истиқболлари ва муаммолари: илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, май). – Т.: ЖИДУ, 2009. – Ўн биринчи жилд. – Б. 222-226.

28. Аъзам С.Э. Хитой инқирозга қарши сиёсатининг муҳим устунлари // Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни: халқ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, 25 сентябрь). – Т.: Молия, 2009. – Б. 104-106.

29. Аъзам С.Э. Инқироз ва Хитой маҳсулотлари рақобатбардошлиги масаласи // Биржа-Эксперт. – Тошкент, 2009. – №7-8. – Б. 16-26.

30. Аъзам С.Э. Хитой валюта сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари // Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири: респ. илм.-амал. конф. матер. тўплами (2009 йил, 21 ноябрь). – Т.: ТДИУ, 2009. – Б. 146-147.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Аъзам Сардор Эркин
ўғлининг 08.00.09 – “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий
муносабатлар” ихтисослиги бўйича **“Хитой экспорт сиёсати
стратегиясининг замонавий тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари”**
мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: экспорт сиёсати стратегияси, Хитой, ташқи савдо, экспорт, импорт, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, янги ва юқори технологиялар, Жаҳон савдо ташкилоти, толлинг, тажриба, Ўзбекистон, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, экспортга йўналтирилган сиёсат.

Тадқиқот объекти: Хитой экспорт сиёсати стратегиясининг ўзига хос жиҳатлари ва унда кузатилаётган замонавий тамойиллар.

Ишнинг мақсади: Хитой экспорт сиёсати стратегиясида кузатилаётган замонавий тамойиллар ва ўзига хос жиҳатларни тадқиқ қилиш ҳамда ижобий тажрибани Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини ишлаб чиқиш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларининг барқарор ва ўзаро манфаатли ўсишини таъминлашга доир чора-тадбирларни аниқлаш.

Тадқиқот услублари: қиёсий таҳлил, илмий мавҳумлаштириш, тизимли ёндашув, эмпирик таҳлил, корреляция-регрессия таҳлили, сценарийлар асосидаги таҳлил ва ҳ.к.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: “экспорт сиёсати стратегияси” тушунчасига муаллифлик талкини берилган; Хитой экспорти жадаллашувининг асосий омиллари гуруҳлаштирилиб, экспорт маҳсулот таркиби ҳамда жуғрофий йўналишлари ретроспектив жиҳатдан таҳлил қилинган ва асосий тамойиллар кўрсатилган; Ўзбекистон-Хитой савдо алоқаларида кузатилаётган асосий тенденциялар, ундаги беқарор ҳолатлар аниқланган; Ўзбекистон экспорт сиёсати стратегиясини такомиллаштиришга доир янги йўналишлар аниқланган; Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитда экспорт салоҳиятини ошириш, унинг стратегиясини такомиллаштириш, интеграцион жараёнларни жадаллаштириш орқали толлинг операцияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган; жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ва Хитой экспорт сиёсатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Амалий аҳамияти: муаллифнинг таклиф ва хулосаларидан иқтисодиётимизнинг экспортга йўналтирилган тармоқларини ислоҳ қилишда, ваколатли давлат идораларининг муайян иқтисодий дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқишида, шунингдек, таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: асосий илмий натижалар ХК “Ўзбек-хитой савдо уйи” ваколатхонаси иш фаолиятига, шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Қўлланиш соҳаси: Экспорт сиёсати самарадорлигини ошириш, унинг стратегиясини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишлари, ўқув-услубий қўлланмалар.

РЕЗЮМЕ

диссертации Аъзам Сардора Эркин-оглы на тему: «Современные тенденции и особенности стратегии экспортной политики Китая» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.09 – «Мировая экономика и международные экономические отношения»

Ключевые слова: стратегия экспортной политики, Китай, внешняя торговля, экспорт, импорт, прямые иностранные инвестиции, новые и высокие технологии, Всемирная торговая организация, толлинг, опыт, Узбекистан, мировой валютно-финансовый кризис, экспортно-ориентированная политика.

Объект исследования: особенности стратегии экспортной политики Китая и современные тенденции, наблюдаемые в ней.

Цель работы: изучение современных тенденций и особенностей стратегии экспортной политики Китая, разработка возможностей применения позитивного опыта в условиях Узбекистана, а также, определение мер для стабильного и взаимовыгодного развития торговых отношений между двумя странами.

Методы исследования: сравнительный анализ, научная абстракция, системный подход, эмпирический анализ, корреляционно-регрессионный анализ, анализ на основе сценариев и т.д.

Полученные результаты и их новизна: дана авторская трактовка термина «стратегия экспортной политики»; сгруппированы основные факторы развития китайского экспорта и сделан ретроспективный анализ товарной структуры и географических направлений китайского экспорта, на основе которого выявлены основные тенденции в этой сфере; определены основные тенденции в торговых отношениях Узбекистана с Китаем и разработаны конкретные меры по преодолению проблем в этом направлении; предложены новые направления по совершенствованию стратегии экспортной политики Узбекистана; исходя из китайского опыта, разработаны основные направления развития толлинговых операций в местных условиях посредством повышения экспортного потенциала, совершенствования стратегии экспортной политики, ускорения интеграционных процессов; проведен сравнительный анализ экспортной политики Узбекистана и Китая в условиях мирового финансово-экономического кризиса.

Практическая значимость: выводы и рекомендации могут быть использованы в структурном реформировании экспортно-ориентированных отраслей национальной экономики, разработке соответствующих экономических программ и проектов компетентными государственными органами, а также, в образовательной деятельности.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные научные результаты используются в деятельности представительства ИП «Узбекско-китайский торговый дом» и в образовательном процессе УМЭД.

Область применения: при повышении эффективности экспортной политики, совершенствовании её стратегии, в научных исследованиях, учебно-методических пособиях.

RESUME

Thesis of Azam Sardor Erkin ogli on the scientific degree competition of the candidate of sciences in Economy on specialty 08.00.09 – “World Economy and International Economic Relations”, subject:

“Modern Tendencies and Specifics of China’s Export Policy Strategy”

Key words: strategy of export policy, China, foreign trade, export, import, foreign direct investments, new and high technologies, World trade organization, processing trade, experience, Uzbekistan, world financial-economic crisis, export-oriented policy.

Subjects of research: particularities of the strategy of China’s export policy and modern tendencies observed.

Purpose of work: research modern tendencies and particularities of the strategy of China’s export policy, develop the ways of implementation of its positive experience in conditions of Uzbekistan, and find the possibilities through which trade relations between the two countries could develop in sustainable and mutually beneficial manner.

Methods of research: comparative analysis, scientific abstraction, systematic approach, empirical analysis, correlation-regression analysis, scenario approach etc.

The results obtained and their novelty: author’s definition to the term “strategy of export policy” was given; upon classifying main factors boosting the exports from China, the product structure and geographical destinations of Chinese exports were analyzed in retrospective and main tendencies were identified; main trends in Uzbekistan-China trade relations were detected; new directions for the improvement of Uzbekistan’s strategy of export policy were worked out; through enhancement of export potential, improvement of its strategy, boosting of integration processes, main directions of development of processing trade activities in local conditions extracted from Chinese experience were identified; a comparative analysis of export policy performance of Uzbekistan and China in conditions of ongoing world financial-economic crisis was done.

Practical value: the research results and recommendations can be used in undertaking structural reforms in export-oriented sectors of national economy, in working out appropriate economic programs and projects by government bodies, in educational aims.

Degree of embed and economic efficiency: major scientific results are used by the Representative office of FC “Uzbek-Chinese Trading House” and in the teaching process at the University of World Economy and Diplomacy.

Field of application: in enhancement of export policy effectiveness, improving its strategy, in scientific research work and methodological syllabuses.